



# MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ИЧКИ НАЗОРАТНИНГ СТАНДАРТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Абдуалимов Равшан Матиевич**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси мустақил тадқиқотчиси  
Ёзишмалар учун электрон почта: ravshanabdualimov@mail.ru

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 07.07.2024  
Қабул қилинган вақти: 11.07.2024

**Таянч сўз ва иборалар:**  
акциядорлик жамияти, ички назорат, ишчи стандарт, таҳлил, ички аудит, ички назорат амалиёти.

Аннотация

Мақолада акциядорлик жамиятларида ички назорат тизимини ташкил қилиш, унинг хусусиятлари, ички назоратнинг ишчи стандартларини ташкил этиш масалалари ёритилган. Бунда ички назорат бўйича иқтисодчи-олимлар томонидан берилган турли фикрлар тизимлаштирилган ва ички назоратни ташкилий асосларига доир турли ёндашувлар таҳлил қилинган. Бунда ички назоратнинг ишчи стандартлари ўрганилган ва уни такомиллаштиришга доир амалий тақлифлар ишлаб чиқилган.

## STANDARDS OF THE INTERNAL CONTROL SYSTEM IN JOINT-STOCK COMPANIES AND ISSUES OF THEIR IMPROVEMENT

**Abdualimov Ravshan Matievich**

Independent researcher of the Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan  
Corresponding author email: ravshanabdualimov@mail.ru

### ARTICLE INFO

Received: 07.07.2024

Accepted: 11.07.2024

**Key words:** Joint-stock company, internal control, working standard, analysis, internal audit, internal control practice.

### Abstract

The article discusses the organization of the internal control system in joint-stock companies, its features, and the organization of working standards of internal control. In this case, the various opinions of economic scientists on internal control are systematized and various approaches to the organizational foundations of internal control are analyzed. In this case, the working standards of internal control are regulated and practical proposals for its improvement have been developed.

### Кириш

Бугунги иқтисодиётни ривожлантириш шароитида ички молиявий назорат тизимини такомиллаштириш масаласи муҳим масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги 128-сон қарорига асосан, вазирлик ва идораларда ички аудит хизмати ташкил қилинган. Албатта, вазирлик ва идораларда ички аудит хизматининг ташкил қилиниши, бюджет ташкилотларида бюджет маблағлари бошқарилиши ва бюджет ҳисоби юритилишидаги қонун бузилишларнинг олдини олишга қаратилган муҳим

чора-тадбирлардан ҳисобланади. Мазкур қарорнинг қабул қилиниши билан ички аудит миллий стандартлари ва бошқа услубий ҳамда норматив-хуқуқий хужжатлар ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 3 октябрдаги 52-сон буйруғи билан “Ички аудит миллий стандартлари” ҳамда 2022 йил 22 ноябрдаги 63-сон буйруғи билан “Ички аудит тадбирларини ўтказиш бўйича” Қўлланма, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги 377-сон қарори билан “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тартиби

тўғрисида"ги Низом тасдиқланди. Мазкур низомда вазирлик ва идоралардаги ички аудит хизматини баҳолашдаги умумий қоидалар, баҳолашни амалга оширишда томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ички аудит хизматларини баҳолаш тартиби белгилаб берилди.

Демак, мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоқлари акциядорлик жамиятлари шаклида фаолият юритаётганлигини инобатга оладиган бўлсак, акциядорлик жамиятларида ички молиявий назоратни амалга ошириш муҳим масала ҳисобланади. Акциядорлик жамиятларининг фаолияти устидан мониторинг ўрнатиш тартиби шулар жумласидандир. Ушбу мониторинг масаласида қўйидагиларни аниқлаштиришимиз керак:

1) ички назорат методикаси;

2) акциядорлик жамиятларида назорат қоидалари, даврийлиги, мониторинг натижаларини кўриб чиқиши тартиблари белгиланиши лозим. Акциядорлик жамиятлари албатта ички молиявий назорат фаолиятининг самарали бўлиши чораларини таъминлаши, шу жумладан ушбу чоралар кундан кунга ўзгариб бораётган акциядорлик жамиятлари фаолиятига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни инобатга олиши лозим.

## Адабиётлар шарҳи

Ўзбекистон Республикасида ички назоратнинг турли шакли бевосита акциядорлик жамиятининг барча ходимлари томонидан амалга оширилади, хусусан жамият раҳбариятидан тортиб то хўжалик операцияларини бевосита амалга оширувчи ходимлар ҳамда ички назорат хизмати ходимлари томонидан ҳам амалга оширилади. Ички назорат ўзининг даврийлиги, хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган рисклар, акциядорлик жамиятининг амалга оширадиган операцияларининг ўзгариш хусусиятларига боғлиқ бўлади. Ички назорат амалларининг умумий натижалари тегишли тартибда расмийлаштирилиб акциядорлик жамияти бошқарув раиси, компания раҳбариятига етказилади ва бунда амалга оширилаётган мониторинг муҳим ўринни эгаллади.

Акциядорлик жамиятидаги мониторинг ўрнатилиши бевосита ички назоратга баҳо берган ҳолда унинг кейинги фаолияти самарадорлигига туртки бўлиши мумкин. Агар маълум бир фаолият (операция) устидан назорат ўрнатилмайдиган бўлса ва у баҳолаб борилмайдиган бўлса, бу фаолият (операция) борган сари заифлашиб акциядорлик жамиятига катта талофатлар етказиши мумкин. Шунинг учун ички молиявий назорат устидан мониторинг ўрнатилиши бевосита унинг келгуси самарадорлиги омили бўлади.

Акциядорлик жамиятларида ички назорат

тизимини ташкил этиш ва унинг амалиёти, ташкилий тузилмаси масаласида иқтисодчи-олимлар томонидан турлича фикрлар билдирилган. Шу жумладан ушбу масала Россиялик иқтисодчилар И.С.Богданович ва О.А.Соболева<sup>1</sup> томонидан ушбу масалада қўйидагича фикр билдиришганлигини кўришимиз мумкин. Ички назорат-бу корхона раҳбарияти томонидан ташкил этилган ва корхонада барча ходимлар хўжалик операцияларини бажаришда ўз вазифаларини энг самарали бажаришлари учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизимиdir. Бунда унинг асосий вазифаси ички назорат тизимининг қонунийлигини белгилашдир.

Ушбу масалада илмий қарашни кўллаб қувватлаган ҳолда рус иқтисодчи олими М. А. Вайкок (2018) "корпорациялар давлатнинг миллий даражадаги стратегик функцияларини бажаришда муҳим роль ўйнашини таъкидлаб ўтган"<sup>2</sup>. Бошқа иқтисодчи-олимнинг таъкидлашича, "Иқтисодий тараққиётни таъминлаш нуқтаи назаридан акциядорлик жамиятларида ички назорат масаласи –бу акциядорлик жамиятини капиталини назорат қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш учун назорат тизимини шакллантириш муҳим ҳисобланади, чунки уларда устав капиталининг концентрацияси ва ундан фойдаланиш функциясини яхши бажарувчи самарали механизм бўлсагина бошқарув ва назорат тизимини ташкил этиш натижасида бизнесни ривожлантириш жараёнидаги энг мураккаб масала ҳисобланади" (Белозерова Л.А., 2019)<sup>3</sup>.

Шундай қилиб, ушбу фикрларни умумлаштириган ҳолда Россияда акциядорлик жамиятларининг фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларда назорат тизимини амалга ошириш жараёнида ички назорат тизими сифати, уни самарали ташкил қилиш компания ва корпорацияларнинг иқтисодий жиҳатдан такомиллашувига, бу эса ўз навбатида, мамлакат иқтисодиёти ривожланишига таъсир этади.

Ушбу масалада Ўзбекистон Республикасида ички назорат масаласида ҳам турлича фикрлар мавжуд. Бевосита акциядорлик жамиятининг барча ходимлари томонидан амалга оширилади, хусусан жамият раҳбариятидан тортиб то хўжалик операцияларини бевосита амалга оширувчи ходимлар ҳамда ички назорат хизмати ходимлари томонидан ҳам амалга оширилади. Корхона ички назорати устидан мониторинг даврийлиги хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган рисклар, акциядорлик жамиятининг амалга оширадиган операцияларининг ўзгариш хусусиятларига боғлиқ бўлади. Мониторинг натижалари тегишли тартибда расмийлаштирилиб компания раҳбариятига етказилади.

Ички назорат ва ички аудит масалалари муҳим ҳисобланади. Шу жумладан ички аудит бўйича Н.Ш.Абдиева томонидан қўйидагича фикр

<sup>1</sup> Богданович И.С., Соболева О.А. Место внутреннего контроля в системе управления предприятием и форма его организации. //Вестник Псковского университета. Серия «Экономические и технические науки». 5/2014. 66-75. С.68-69.

<sup>2</sup> Вайкок М.А. Понятие внутреннего контроля как функции системы управления организацией. Инновации и инвестиции. №4. 2018. С.164-167.

<sup>3</sup> Белозерова Л. А. Роль и значение внутреннего контроля в деятельности организации // Молодой ученый. — 2019. — №24. — С. 316-320 [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <https://moluch.ru/archive/262/60616/>.

билдирилган: "Бугунги кунда мамлакатимизда ва бутун дунёда ички аудит ривожланиши ва такомиллашувига катта эътибор қаратилмоқда, чунки ички аудит корхона фаолиятининг самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлашга қаратилган инструмент дейиш мумкин. Бошқача айтгандা, ички аудит корпоратив бошқарув натижасида юзага келадиган таваккалчиликларни бошқариш жараёнида ички назорат тизимининг самарадорлигини тъминлаш ва ишончлилигини баҳолаш функциясини бажара бошлади"<sup>4</sup>.

Шунингдек, проф. К. Ахмеджанов томонидан ушбу масалада қуидаги таклифларни келтириб ўтган:

-ички аудит хизмати ёрдамида аудит ва молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш орқали акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимидағи принцип ва ёндашувларни тубдан ўзgartириш, қайта ташкил этиш ва такомиллаштириш имконияти яратилади.

-ички назорат режалаштириш, ташкил этиш ва тартибга солиш, ҳисоб, таҳлил босқичларини ўз ичига олиши лозим.

-ички назорат ва бухгалтерия ҳисоби назорати тизимларида ички аудит аҳамиятининг алоҳида ажратиб кўрсатилиши, иш жараёнини ташкил этишнинг илмий жиҳатдан асосланиши унинг самарадорлигини ошириш имконини беради<sup>5</sup>.

Ушбу масалани янада ривожлантириб, А.К.Ибрагимов, Б.Сугурбаев, А.Х.Саттаровлар томонидан қуидагича фикр билдирилган: Шундай қилиб, тизимнинг мавжуд ташқи ва ички фаолият шароитлари ҳамда ўзгарайтган хатарларга мослик даражасини баҳолаш, шунингдек, ҳамма бошқарув даражаларидағи масъул шахслар томонидан белгиланган назорат тартиботлари тўлиқ бажарилишини баҳолаш йўли билан компаниянинг таркибий тузилмалари ва айрим бизнес жараёнларида ички аудит тизимининг фаолият самарадорлиги аудитини ўтказиш; компания бизнес жараёнлари ва таркибий бўлинмалари фаолиятида мавжуд ва аниқланган сезиларли хатарлар асосида ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; ички аудит тизими сифати ва ишончлилигини назорат қилиш"<sup>6</sup>.

Демак ушбу фикрларни умумлаштирган ҳолда акциядорлик жамиятларида мониторинг ўрнатилиши бевосита ички назоратга баҳо берган ҳолда унинг кейинги фаолияти самарадорлигига туртки бўлиши мумкин. Агар маълум бир фаолият устидан назорат ўрнатилмайдиган бўлса ва у баҳолаб борилмайдиган бўлса, бу фаолият борган сари заифлашиб акциядорлик жамиятига катта талофатлар етказиши мумкин. Шунинг учун ички молиявий назорат устидан мониторинг ўрнатилиши бевосита унинг келгуси самарадорлиги омили бўлади.

<sup>4</sup> Абдиева, Н.Ш. "Корхоналарда ички аудитни ташкил қилишнинг хусусиятлари" мақола. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2015 йил. З бет.

<sup>5</sup> Ахмеджанов. К.Б. Ҳўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш номли докторлик диссертацияси автореферати. – Т.: 2016 й.486. Б.18.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, акциядорлик жамияти фаолияти устидан назорат рискларини бошқариш тизими ва акциядорлик жамияти рискларини баҳолаш ўз ичига қуидагиларни олади:

- акциядорлик жамияти рискларини бошқариш устидан назорат ички хужжатларда белгиланган тартибда доимий тарзда амалга оширилади;

- акциядорлик жамияти рискларини баҳолаш – ҳўжалик фаолиятига таъсир этувчи ички (ташкилий тузилма мураккаблиги, хизматчилар малакаси даражаси, кадрлар қўнимсизлиги ва ҳоказо) ва ташқи (ҳўжалик фаолияти иқтисодий шароитлари ўзгариши, қўлланиладиган технологиялар ва ҳоказо) омилларни аниқлаш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади. Ички хужжатларда ҳўжалик рискларини оширувчи омиллар тўғрисида акциядорлик жамияти раҳбариятини огоҳ қилиш тартиблари белгиланиши лозим;

- акциядорлик жамияти рискларини баҳолаш умумлашган (консолидациялашган) ҳолда, акциядорлик жамияти билан боғлиқ бўлган барча шуъба ва бошқа ташкилотлар билан биргалиқда амалга оширилиши лозим.

## Тадқиқот методологияси

Мақолада акциядорлик жамиятларида ички назорат тизимини ташкил қилиш, унинг хусусиятлари, ички назоратнинг ишлистандартларини ташкил этиш масалалари таҳлил қилинган.

Мақолада илмий абстракциялаш, мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлил, маълумотларни гурухлаш, таққослаш усусларидан фойдаланилган.

## Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Акциядорлик жамияти ичидаги бўлимлар ва ходимлар ўртасида мажбуриятларни оптимал тарзда тақсимланиши ва буни тегишли хужжатларда белгиланиши ички назорат тизимиға баҳо беришнинг яна бир омилидир, яъни акциядорлик жамиятнинг ички назоратига баҳо беришда бевосита ходимларнинг лавозим мажбуриятлари текширилган ҳолда ички назорат рискига баҳо бериш имкони бўлади. Агарда лавозим мажбурияти тегишли тартибда акциядорлик жамияти ва ҳар бир бўлимнинг фаолият хусусияти, иш ҳажми ва бевосита номидан келиб чиққан ҳолда мос равишда тақсимланган бўлса ва ушбу мажбуриятлар бажарилаётган бўлса акциядорлик жамияти ички назорат тизими риски ҳам пасайиб, самарадорлиги ошади.

Юқорида биз кўриб чиққанимиздек, акциядорлик жамиятларида ички назорат тизимини баҳолашда қуидагиларга эътибор қаратиш орқали ҳам ички назорат қай аҳволда эканлигини аниқлаш имкони бўлади:

<sup>6</sup> Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б. Бюджет назорати ва аудити.Ўқув қўлланма, Т. infoCOM.uz МЧЖ нашриёти.2009. 1926. Саттаров А.Х. Корпоратив назорат тизимида ички аудитни жорий этиш ўйлари// "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2017 . Б.1-6.

- молиявий ва бошқа оператив ҳисоботларнинг ҳақонийлиги ва тўлиқлиги. Бунда ички назоратга баҳо беришда молиявий ҳисбот маълумотларини бухгалтерия маълумотлари билан ҳамда ҳақиқатда активларнинг таснифланиши бўйича уларга яратилган захиралар ҳисоб-китоб қилиш орқали ҳисоботларнинг ҳақонийлигини ва тўлиқлигини аниқлаш имкони бўлади;

- амалга оширилиётган операцияларнинг қонунчиликка, ички сиёсатлар, тартибларга ва низомларга мослигини аниқлаш. Бунда ҳам акциядорлик жамияти томонидан маълум бир қонунчиликка амал қилиниши текширилади ва ушбу бўйича ички назорат ходимларининг текширув натижалари солиштирилади ва қай даражада эканлиги баҳоланади. Бунда қонунчилик ҳужжатларининг ва сиёсатларининг хўжалик рискларига таъсири ва муҳимликка боғлиқ равишда баҳолаш жуда муҳим, чунки битта меъёрий ҳужжат талаблари бажарилмаётган бўлса, бирдан ички назоратга салбий баҳо бериш нотўғри бўлади;

- активлар бутлигини таъминлаш. Бунда акциядорлик жамиятида активлар қай аҳволдалиги

ўрганилади. Назорат ходимларининг ушбу бўйича ҳисботовлари ҳақиқат билан солиштириш орқали назорат қай аҳволдалигига баҳо бериш мумкин бўлади;

- ресурслардан самарали ва тежамкор фойдаланиш. Акциядорлик жамияти томонидан ўз ресурсларининг жойлаштирилиши, жалб қилинган ресурсларнинг фоизи билан улар жойлаштирилган активлар даромадлилиги, ресурсларни ўз вақтида қайтарилиши, уларга фоиз тўланиши аҳволига баҳо берилади;

- қўйилган мақсадлар ва вазифаларни бажарилиши. Бунда қўйилган мақсадлар (бизнес режа ва бошқа стратегик ҳужжатларга асосан)га, хусусан кўрсаткичларга қай даражада эришилаётганлиги кўрилади.

“Акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматини ташкил этиш керакми?”- деган саволни кўриб чиқадиган бўлсак, ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудида акциядорлик жамиятлари шаклида фаолият олиб бораётган корхоналарнинг аксариятида ички аудит хизмати ташкил қилинмаган.

1-жадавал

#### АЖ устав капитали миқдорининг БҲМга нисбатан таҳлили<sup>7</sup>

Жами акциядорлик жамиятлари сони	658 та	100%
Устав капитали миқдори БҲМнинг юз минг баробаридан ортиқ бўлган АЖ, сони	169 та	25,7%
Устав капитали миқдори БҲМнинг юз минг баробаридан кам бўлган АЖ, сони	489 та	74,3%

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган 658 та акциядорлик жамиятларининг 169 тасида ёки 25,7 фоизида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 108-моддасига кўра, ички аудит хизмати ташкил этилган. Қолган 489 таси ёки 74,3 фоизида устав капитали қонунда белгиланган миқдордан кам бўлганлиги сабабли ички аудит хизмати ташкил этилиши қонунда назарда тутилмаган. Бу эса аксарият акциядорлик жамиятларининг ички молиявий назорат тизими етарлича ташкил қилинмаганлигидан далолат беради.

Ички аудит хизматининг мавжудлиги хато-камчиликлар ва қонун бузилиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда тезкор чоралар кўриш натижасида катта молиявий йўқотишларнинг олдини олиш имкониятини яратади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, акциядорлик жамиятларида молиявий назоратнинг мантиқий ва самарали органини ташкил қилиш акциядорлар

ишончини оқлаш омили бўлиб қолади ва бу саволни кўриб чиқиш акциядорлик жамиятлари ички назорат тизимининг ўзига қўйиб берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Акциядорлик жамиятлари ички назорат тизимида баҳо беришда бевосита қўйидаги ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг ишлаб чиқиш даражасига эътибор қаратиш ҳамда улар асосида акциядорлик жамиятида ички назорат аҳволига баҳо бериш имкони бўлади:

1. Ҳисоб сиёсати;
2. Рискларни бошқариш сиёсати;
3. Кредит ва депозит сиёсати;
4. Ўзаро даҳлдор шахслар билан операцияларни амалга ошириш тартиби;
5. Ички назорат ва ички аудит қоидалари, дастурлари ва низомлари.

Корпоратив бошқарув ва рискларни бошқариш муаммолари ички назорат тизимида янги ҳуқуқ ва мажбуриятлар юкламоқда. Ахборот технологиялар ички назорат тизимининг барча жабҳаларига, тизимнинг ташкилий тузулмасида, низомида, назорат

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан 20.06.2024 йил ҳолатига uzsdsd.uz сайти маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

кўлами, методологияси ва умуман барча фаолиятига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Назорат жараёнида бевосита маълумотлар йиғиш учун, таҳлил учун, рискларни баҳолаш, назорат жараёнини бошқариш ва ички назоратни баҳолаш имкониятини берувчи дастурний таъминотлардан

фойдаланилади.

Куйидаги жадвалда сўров натижасида хорижда назорат жараёнида маълумотлар йиғиш ва таҳлилда кенг кўлланиладиган дастурлар турларининг улуши келтирилган.

2-жадвал

### **Назорат жараёнида маълумотлар йиғиш ва таҳлил учун кенг кўлланиладиган дастурний таъминотлар<sup>8</sup>.**

Дастур номи	Кўлланилиши, фоизда
ACL дастури	40
Excel, Lotus 1-2-3 дастурлари	21
Маълумотлар базаси асосидаги дастурлар (Access, Oracle, SQL)	14
Ички тузилган дастурлар	4
IDEA дастури	3
SAS дастури	3
Easytrieve Plus Report Writer дастури	2
Focus дастури	2
Monarch дастури	2
Бошқа дастурлар (400 Query, BancAudit, Business Objects, Cognos, Crystal Report Writer, Hyperion, PeopleSoft, SAP ва SPSS)	9
Жами	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ички аудит (ички назорат) жараёнида энг кенг кўлланиладиган дастурний таъминот бу ACL бўлиб унинг кўлланилиши фойдаланувчиларнинг 40 фоизига тўғри келмоқда. Excel ва Lotus дастурларига 21 фоиз тўғри келмоқда. Агар ички назорати баҳоланаётган акциядорлик жамияти бўйича шундай маълумотлар йиғиш имкони бўладиган бўлса, ушбу дастурларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ички назорат қай аҳволдалигига баҳо бериш ҳам мумкин бўлади. Масалан, акциядорлик жамиятида

ички назорат ходимлари маълум бир аниқ дастурдан фойдаланади, лекин баҳоловчи шахс ушбу дастурнинг ишлатишда соддалигини билади, лекин ушбу дастур асосида шакллантирилган маълумотлар таҳлил учун нокулай эканлигини билган ҳолда дастурний таъминот билан таъминланганлик даражаси паст деб баҳо бериши мумкин бўлади.

Куйидаги расмда<sup>9</sup> хорижда ўтказилган сўров натижаларига кўра ички аудиторлар томонидан кенг кўлланиладиган дастурларнинг улуши келтирилган.

<sup>8</sup> David Salierno "Tools of the Trade - internal audit software survey Tools of the Trade - internal audit software survey" Internal Auditor, August, 2001

<sup>9</sup> Тим Макколм (Tim McCollum) ва Дэвид Салиерно (David Salierno) "Choosing the right tools..." Internal Auditor, August, 2003



1-расм. Ички аудиторлар томонидан кенг қўлланиладиган дастурлар.

Кўриниб турибдики, юқоридаги 1-расмда назоратда маълумотлар йиғиш ва уларни таҳлил қилиш учун кўпроқ ACL дастурларидан фойдаланилса, рискларни бошқариш ва баҳолашда кўпроқ Excel дастуридан фойдаланилади. Шундай экан ички назорат тизимида қайси дастурдан фойдаланилаётганлигига қараб туриб ва дастурлар имкониятини баҳолаган ҳолда ички назорат тизимига ушбу соҳа бўйича баҳо кўйиш мумкин бўлади.

## Хулоса ва таклифлар

Ички аудитда қўлланилаётган дастурий таъминотларнинг имкониятларини ўрганиб чиқсан ҳолда, ҳозирги кунда такомиллаштирилган ACL дастури имкониятларидан акциядорлик жамиятлари ички аудит хизматида фойдаланиш ички молиявий назорат тизимини халқаро ички аудит стандартлари асосида ташкил қилиш имкониятларини беради.

Акциядорлик жамиятлари ички молиявий назорат баҳолашни такомиллаштирища аниқ меъёрий хужжат қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Акциядорлик жамиятининг хусусиятларидан келиб чиқиб, тафтиш комиссияси ҳамда ички аудит хизматини ҳисобга олган ҳолда ички молиявий назорат тизимини баҳолаш имконияти яратилиши лозим. Албатта, бундай баҳолаш тизимининг унификацияси акциядорлик жамиятлари ички молиявий назорат тизими субъектлари фаолиятини баҳолаш натижаларида бевосита таққослаш имконини беради.

Мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларида ички молиявий назорат тизимини ривожлантириш ва уни баҳолаш тизимини такомиллаштириш борасида

меъёрий хужжатнинг қабул қилиниши, акциядорлик жамиятлари соғломлигини таъминлабгина қолмай, жамият мулқдорларининг ишончи ва кафолати бўлади.

## Фойдаланилган адабиётлар

- Богданович И.С., Соболева О.А. Место внутреннего контроля в системе управления предприятием и форма его организации. //Вестник Псковского университета. Серия «Экономические и технические науки». 5/2014. 66-75.
- Вайкок М.А. Понятие внутреннего контроля как функции системы управления организацией.//Инновации и инвестиции. №4. 2018. С.164-167.
- Белозерова Л. А. Роль и значение внутреннего контроля в деятельности организации // Молодой ученый. — 2019. — №24. — С. 316-320 [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <https://moluch.ru/archive/262/60616/>.
- Абдиева, Н.Ш. “Корхоналарда ички аудитни ташкил қилишнинг хусусиятлари” мақола. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2015 йил. 3 бет.
- Ахмеджанов. К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш номли докторлик диссертацияси

- автореферати. – Т.: 2016 й.486. Б.18.
6. Саттаров А.Х. Корпоратив назорат тизимида ички аудитни жорий этиш йўллари.// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2017 . Б.1-6.
7. David Salierno “Tools of the Trade - internal audit software survey Tools of the Trade - internal audit software survey” Internal Auditor, August, 2001
8. Tim McCollum, David Salierno. “Choosing the right tools...” Internal Auditor, August, 2003.
9. Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б. Бюджет назорати ва аудити.Ўқув қўлланма, Т. infoCOM.uz МЧЖ нашриёти. 1926.